2003 YIL 11 DEKABR PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№148 (6.673). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА

ЎНГИРЛАРДА ҚАЙНАГАН ҲАЁТ (1-2-саҳифаларда)



ЭЪТИРОФ ВА ЭЪЗОЗ (3-саҳифада)

ЧАВАНДОЗНИНГ ТАВБАСИ (1-4-саҳифаларда)

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Полша Президентининг халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси Анджей Майковски раҳбарлигидаги делегация 9 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг сессия олди йиғилиши бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг ҳам сессия олди йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● «Ўзкўргазмасавдо»да мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ноозиқ овқат товарлар улгуржи ярмаркаси очилди.

● Ўзбекистон давлат консерваториясида давлатимиз Мадҳияси қабул қилинганининг ўн бир йиллиги муносабати билан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида «Истиқлол, мадҳия ва миллий ғурур» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

● Зангиота туманидаги «Иттифоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинида 320 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

● Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида «ЭХО-ЭКСПОРТ» /Россия/ компанияси томонидан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган Ульянов автомобиль заводи /УАЗ/ маҳсулотининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида акциoнерлик тижорат «Пахтабанк» вилоят бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан пойтахтимизнинг Чилонзор спорт клубида милтиқдан ўқ отиш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида «Ўзбекистонда солиқ ва солиққа оид муносабатлар тарихи» музейи очилди.



**Олтинкўл туманида Абдуқодир отани кўпчилик яхши билади. Эл орасидаги ҳурмати, оқилона иш тутиши боис уни Жалабек қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллага оқсоқол этиб сайлашган. Кўпни кўрган отахон жўяли маслаҳатлари билан маҳалладошлари жонига оро кирмоқда.**

**Абдуқодир Исабоев пиру бадавлат отахонлардан бири. Уч ўғил, тўрт қиз, йигирма олти набира, ўн тўрт нафар чеваранинг бобоси бўлган Абдуқодир ота ҳамиша ҳурмат-иззатда.**

**СУРАТДА: Абдуқодир ота набира, чеваралари билан.**

Х.АРАББОЕВ олган сурат

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси бугун, 11 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 11 декабрь куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## МИЛЛАТ ОВОЗИ, ВАТАН ШАЪНИ, ХАЛҚ ҒУРУРИ

**Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига 11 йил тўлди**

***Ҳар тонг телеэкранда, радиода мустақил Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Деярли барча таълим муассасаларида душанба куни биринчи дарс мадҳия билан бошланади. Табиийки, кўплаб идоралардаги расмий йиғилишлар, давлат аҳамиятига молик нуфузли анжуманлар аввалида ҳам мадҳиямиз куйланади.***

Биз уни ўнг қўлимизни кўксимизга қўйиб, яъниким, Ватан ва давлатга, истиқлолга ҳурмат ифодаси ўлароқ, ғурур билан тинглаймиз. Мадҳия жаранглаган кезда жўр бўлиб куйлаш ҳам киши кўнглида ғурур, ботинида ҳаяжон тўлқинини уйғотади. Она-Ватанга нисбатан меҳр, фахру ифтихор туйғусини янада жонлантиради. Шундай бўлгач, одам ўзини Ватаннинг бир бўлагидай ҳис қилади, Ватандан айро яшолмаслигини англайди, гўёки Ватан номидан куйлаётгандай бўлади.

**ФАХР**

Халқ меҳри, қони ва жон-жонидан тортилган Ватанимизни ўзлик риштаси билан боғлаган оловруҳ, шу – 12 мисралик қўшиқнинг яна бир қудрати бор. Бу - 26 миллиондан зиёд халқни бир жойга тўплай оладиган битта руҳ - она Ўзбекистонга ҳурмат ва эҳтиром, саховатли заминимизга шукроналик руҳини намоён қиладиган Бош Қўшиқ. Унинг олдида ҳамма тенг. Раҳбаридан тортиб, мактаб партасидаги ёш авлод вакилигача кўзида ўт чақнаб, юраги ёниб уни эҳтиром билан тинглайди.

Мадҳиямизнинг ҳар бир сатрида Ватаннинг ўзига хос томони, ўзига ярашиқли кўринишлари кўтаринкилик билан ифодаланган. Халқнинг ўзлиги, асрлар мобайнида рўёбга чиққан орзу-интилишлари баланд нафас билан авж пардага етган.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов шеъри, таниқли бастакор Мутал Бурҳонов томонидан яратилган мусиқа билан уйғунлашиб, янада улуғворлик намунасига айланган.

Байроқсиз жангчи жангчи эмас, байроқсиз қўшин қўшин саналмагани каби мадҳиясиз миллатнинг ҳам дунё сиёсати саҳнасида овози янграй олмайди.

Тасаввур қилинг, улкан стадионларда минглаб томошабинлар, телеэкранда миллиардлаб одамлар қаршисида юртинг шарафига байроғинг кўтарилиб, мадҳиянг жаранглаcа! Ўзбекистон деган давлатнинг шукуҳи, қудрати намоён бўлса! Шундай пайтда кўзингиздан тирқираб ёш чиқиб кетади. Юртинг мадҳияси янграшига сабаб бўлган, байроғи остида турган спортчими ёхуд Ватаннинг бошқа бир таниқли фарзанди бўладими айни дам унинг кўнглидан нималар кечаётганини таърифлашга эса қалам ожизлик қилади, муносиб сўз тополмайсиз.

Ҳар сўзида юртнинг бўй-басти, оҳангида она-юртнинг бетакрор манзаралари жо Мадҳиямиз халқнинг ғурури, Ватаннинг қиёфаси тимсолида авлодлар қалбига шаън-шавкат, фахр-ифтихор, ор-номус, Ватанга эътиқод руҳини сингдириб, асрлар оша янграйверади. Зеро, миллат овозининг янгроқлиги мангудир.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

## АТИГИ ЮЗ САТР

***Баҳорда Амударё туманидаги фермерлардан бирининг иш тажрибаси билан танишгани бордик. Шартномавий режаларини муттасил дўндириб келаётган фермернинг ишлари яхши, иқтисодий кўрсаткичлари юқори экан.***

## ДАРСХОНАНГ БОРМИ, БОЛАЖОН?

Натижада қўша-қўша техникалар харид қилибди. Ҳар хил русумдаги механизмлару агрегатлар бисёр.

Ёшулли бир пиёла чойга таклиф қилди. Шийпонда мук тушганча дарс тайёрлаётган икки-уч болаларга нигоҳимиз тушди.

-Дарс тайёрлашаяпти, - қизиқишимизни сезгач, изоҳ берди хонадон соҳиби.

-Дарсхоналари йўқми? – беихтиёр шундай савол берганимизни билмай қолдик.

Чунки данғиллама иморат олдидаги яп-янги автомашиналар, жилоси кўзни қамаштирадиган гиламлар билан безатилган хоналар ва тирсагини тираганича дарс тайёрлаётган болакайларнинг кўриниши бир-бирига асло уйғун эмасди-да. Ёшулли ўртадаги ноқулайликни кўтариш мақсадида бўлса керак, суҳбатни бошқа мавзуга буришга ҳаракат қилди...

Кузда ўша фермер акахонимиз барча режаларини ортиғи билан уддалади. Табрикладик. Табиийки, уйига таклиф қилди. Бизни биринчи бўлиб чеҳрасида олам-олам севинч тўлқинлари мавж урган 9-10 ёшлардаги бола кутиб олди. Отасининг ҳай-ҳайлашига эътибор бермасдан қўлимиздан тутганича ичкарига бошлади. Чоғроқ хонада иккита стол, стуллар, китоблар териб қўйилган шкаф турибди. Деворга каттакон харита, дарс жадваллари, машҳур аллома-ю ёзувчиларнинг расмлари осиғлиқ.

-Сиз келиб кетганингиздан икки-уч кун ўтгач, отам бизга шу ерни дарсхона қилиб берди, - деди у тантанали равишда.

Унинг кичик қалбини қамраб олган қувонч ҳисси бизга ҳам "юқди". Беихтиёр хаёлимиздан: "Қанийди, бошқа ота-оналар ҳам фарзандларига оддийгина бўлса ҳам дарсхона ёки махсус бурчак қилиб берса!" деган фикр кечди.

Ҳа азизлар, хайрли ишнинг асло кечи йўқ.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## «АГАМА»НИНГ ЮЗ ТУРЛИ МАҲСУЛОТИ

***«Агама» давлат трикотаж фирмасининг иш бошлаганига ўн тўрт йил бўлди. Бугун унинг Зарафшон шаҳрида пайпоқ тўқиш, трикотаж, ип йигириш, Навоий, Учқудуқ, Тошкент, Зафаробод, Красногорск шаҳарларида эса трикотаж фабрикалари фаолият кўрсатмоқда. Корхонада мингдан зиёд киши меҳнат қилади.***

Дастлаб Швейцариянинг «Пассан» фирмаси кичик ускуналари билан иш бошлаган корхона бугун Япония, Германия ва Францияда ишлаб чиқарилган технологик линиялар билан жиҳозланган. Корхонанинг юқори сифатли маҳсулотлари экспорт ҳам қилинмоқда.

«Агама» кийим-кечаклари Россиянинг Нижний-Новгород шаҳридаги «Савдо уйи»да, Тошкент, Зарафшон, Учқудуқ, Нуробод ва бошқа шаҳарлардаги махсус дўконларда сотилмоқда. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар 1998 йили Мексикада, 2002 йилда эса Нью-Йоркда ўтказилган Халқаро кўргазмаларда Олтин медалларга сазовор бўлган.

Корхона жамоаси бу йил қўлқоп тўқиш фабрикасини ишга тушириш, ялпи маҳсулот турини юзтага етказиш учун меҳнат қилмоқда. «Агама» аҳли йил давомида истеъмолчиларга уч ярим миллиард сўмлик трикотаж буюмлари етказиб беришга аҳд қилган.

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири**

# МЕҲР КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАДИ

***Келгуси – 2004 йил қандай ном билан аталар экан, дея ўзимизча турли тахмин-фаразлар қилиб юрар эдик. Тан олиб айтиш жоизки, кутганимиздан минг чандон ортиқроқ бўлди. 2004 йил - "Меҳр ва мурувват йили"!***

Президентимиз Ислом Каримовнинг оқил мушоҳадаси-ю, комил тафаккурининг яна бир бор шоҳиди бўлдик. "Қарияларни қадрлаш йили", "Обод маҳалла йили", "Меҳр ва мурувват йили" бири-бирини нақадар тўлдириб турибди. Мустақиллик неъмати, халқнинг иззати бор бу йил номларида. Юртбошимизнинг шу сўзларини ёдга оламиз: "...Бизнинг олий мақсадимиз – мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш".

Яна йил мавзусига қайтайлик: "Обод маҳалла йили" адоғига етмай иссиқ тўн кийди. Тани-жони яйрайди энди. Бири-биридан гўзал обод маҳаллаларда турмуш ташвишлари, рўзғор икир-чикирлари билан туну кун овора одамлар бир-бирининг рўпарасидан лоқайд ўтиб кетолмайдиган бўлди. Маҳалла ободлигидан – кўнгил ободлиги сари илгариригисидан илдамроқ, меҳрлироқ йил бошланди. Менинг эса кўнглимдан бир ўй кечади: "Кўнгил йили муборак, кўнгил йўли муборак!" Хонадонларга меҳр ва мурувват хушхабари рамазон айтиб кирди. Меҳр ва мурувват қўрғони саховатини кўриб юраклар равшан тортди. Оқшомданоқ уй чироғини ўчириб ўзини пинакка урадиганлар хондонида ҳам шу куни ярим оқшомгача чироқ ўчмади. Дастурхонда меҳр кулиб турди. Чеҳраларга бу оқшом меҳр мангу қоламан, деб келди. У хонадон аъзоларига беозор-беозор кўнгил изҳорлари улашди. Анчадан буён бетоб ётган қария онахон ҳам туриб тинглади уни:

-Ўлма, меҳржон, бор бўл меҳржон, - деб дуога қўл очди. Навниҳол МЕҲР аянинг қаршисида тиз

**НИГОҲ**

чўкди. Навқирон меҳр аяни бағрига босиб кўнгилни кўтарадиган тоғдай юксак сўзлар айтди. Ташқаридан МУРУВВАТ ичкарилади. Меҳр ўзидан ёши улуғ мурувватни тўрга чорлади. Одмигина кийинган мурувват пойгакни афзал билиб оҳиста чўккалади. Борадиган жойи кўплигини айтиб узр сўради. Унинг МУРУВВАТ эканлигини МЕҲР айтди.

-Мурувват – Хизр фарзанди, - дея ая нимҳолгина қўзғалиб.

-Қуллуқ, - деди Мурувват.

-Уйимиз нурга тўлди, - деди хонадон соҳиби.

-Меҳр-мурувват бор жойда, зулматда ҳам нур бўлади.

-Мурувват ҳамду сано ошиғи эмас, - деди Меҳр.

Меҳрнинг фикри тасдиқ топди. Мурувват аяга ҳиммат кўрсатди. Бошоёқ оҳорли сарупо қўйди унинг олдига.

–Невараларингизнинг тўйларида кийинг, - дея таъкидлади.

-Шугина ширин сўзингнинг ўзи етади, - деди ая. Меҳр шаддодлик қилди:

-Биз сўзни КЎНГИЛГА кийдирамиз.

Меҳр ва мурувват етаклашиб ўзга хонадонларга равона бўлишди. Биринчи хонадон аҳли шу кеча тонггача мижжа қоқмади. Ая тетиклашиб "учқур оқ от ва саховатли Ҳотам" ҳақида қадим эртак айтди.

...Тонг отди. Меҳрли ва мурувватли тонг! Дилларда Бош Қомусимиз байрами сурури. Дилларни оғушига олган Завқ биров билан баҳам кўргулик. Мард ва танти, Ҳотам қалбли кишиларнинг дилтортар суҳбатига ташналик сездим шу чоғда.

Меҳр ва мурувват йили ўзининг биринчи бағрикенглик ила қилинган эҳсонини хушхабари билан бирга олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Президент Фармони Меҳр ва мурувватнинг энг қадри баланд намунаси бўлди, дейиш мумкин. Бу даражада юксак маънавият, кечиримлиликдан зиёд тортиқ бўлмаса керак.

**Дилмурод ЖАББОРОВ**

## ЗАМОНАМИЗ ФАРҲОДЛАРИ

***Қарши – Термиз йўли бўйлаб олтмиш чақиримдан ошиқ юрсангиз, ўзгача манзара кўзга ташланади. Бир ажиб манзараки, термулавериб, сира тўймайсиз. Адоқсиз тоғ ўнгирларида ўтлаб юрган қўй-қўзилар, сурув орқасидан эргашиб юрган чўпонлар диққатингизни бир зумдаёқ жалб этади-қўяди. "Қани эди мен ҳам шу ажойиб табиат қўйнида маза қилиб чопқилласам" деган ўй кўнглингиздан ўтиши аниқ.***

**РЕПОРТАЖ**

Теваракка қараб кетаверсангиз кўзингиз қамашиб кетади. Ҳамма ёқда оппоқ қор. Ҳамроҳим – Деҳқонобод туман ҳокимининг биринчи муовини Ўрол Тошбоев.

-Ҳу анави ёққа қаранг, - дейди Ўрол Тошбоев тоғда наъра тортиб ишлаётган қудратли техникаларга ишора қилиб. – Мана шу жойлар яқиндагина пасту баланд тоғликлардан иборат эди. Мана энди бу манзарани қаранг, юзлаб қурувчилар кечаси-ю кундузи ишлаб, пўлат изларни ёткизиб чиқишди. Қаранг, тоғлар уйқудан уйғонгандай гўё...

Худди шундай. Чунки, бу ерда улкан қурилиш – Ғузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл қурилиши авж паллада.

(Давоми 2-бетда)

**МУЛОҲАЗА**

## СУТ ИЧАСИЗМИ?

***Тонг чоғи, тоза ҳавода югуришнинг гашти бор: ҳузур қиласиз. Тасаввурингиз тиниқ тортади. Кайфиятингиз кўтарилади. Ғайрат-шижоат туясиз.***

Ҳар тонг югуришдан қайтаётганимда йўлакчада икки қўлида идиш кўтариб келаётган болакайга кўзим тушади. Ҳар тонг шундай – бола соат олти яримда менга дуч келади. Ва, мен болакайдан кунора бир литр сут харид қиламан.

Деярли олти ойдирки, болакайни саҳар чоғи шу алфозда учратаман. У мен учун атайлаб қолдирган идишдаги охирги сутни сотиб оламан, сўнг у дарсга боришини айтиб, шошилиб жўнаб қолади.

Илм-фан бобидаги саволларимга ҳам тўкмоқдай қилиб жавоб беради – ўқиши яхши. Меҳнаткаш бола.

Бугун тонгда уйимиз атрофидаги йўлакнинг икки четига уюлган хазонларга кимдир ўт қўйиб юборибди. Атроф қуюқ аччимтиқ тутун ичида. Димоғ ачишади. Эрталабки машғулотдан сўнг бу одамга ёмон таъсир қилади. Нафас олишинг оғирлашади.

(Давоми 2-бетда)

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

**ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!**

## СОХТА "ҚАЛАМКАШЛАР"

***Журналист Маъмур Мусулмонов хизмат сафарида юриб, Чустда бир йигит билан учрашиб қолади. Нотаниш кимса ўзини "Спорт" газетаси махсус мухбири Абдурашид Мадалиевман" деб таништиради.***

-Танишганимдан хурсандман, - дейди хурсанд бўлиб кетган Маъмур, - "Спорт"да менинг укам ҳам ишлайди. Равшан, танирсиз?

-Таниганда қандоқ, - дейди Абдурашид, - яхши танийман. Равшан зўр журналист!

Бу гапдан содда Маъмур икки ҳисса хурсанд бўлади. Ҳатто уни уйига таклиф қилиб меҳмон ҳам қилади.

-Гаплашиб ўтириб, меҳмоннинг матбуотдан, журналистикадан мутлақо бехабар эканлигини сезиб қолдим, - дейди ўша воқеани эслаб Маъмур, - кўнглимга шубҳа оралади. Эрталаб кетаётганда:

-Ўзи, сиз ростанам "Спорт"да ишлайсизми? – деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

-Нима, менга ишонмаяпсизми? – деди ўпкаланган бўлиб Абдурашид ва Косонсойга бориши кераклигини айтиб, мен билан автобекатда хайрлашди.

(Давоми 4-бетда)

## БИР ЖУФТ ОЛТИН УЗАНГИ

***Адл қоматли, чеҳраси очиқ, кўзларида нур балқиган йигит ҳудудсиз чўлда пиёда боради. Этигининг кўнжи қайтарилган.***

Оқ қора юзига кўркамлик бахш этади. У узоқ хилқатларни бесаранжом кезди. Оёқлари ўзига бўйсунгунича юриб, сўнгра беҳол бутазорлар орасига чўзилади, ёвшанга бошини қўйиб, озгина мизғиб олади ва яна йўлида давом этади. Йигит қанча йўл юрганини англамайди. Қумликлар уни бағрига олиб, оташ алангасида қовуриб янги-янги гўшалар сари бошлайди. Офтоб борлиқдан сўнгги

**РИВОЯТ**

нурларини йиғиштириб олган пайт баланд қирлар айланасида қатор қурилган ўтовларга кўзи тушди. "Ҳайрият-е" унинг лабларидан шу сўзлар отилди. Ўша дам оёқлари кучга, кўзлари нурга тўлгандай бўлди.

Уни эшиги кун чиқарга қаратиб қурилган қора уйга олиб кирдилар. Тўрда ўтирган ўрта ёшли, елкалари кенг, бармоқлари сергўшт киши қарши олди. Суҳбат қисқа бўлди.

-Кимсиз? – сўради у.

Чордона қуриб олган йигит ўзини таништирди.

-Нонталаб, ишталабман, - деди.

(Давоми 4-бетда)

**ҲИКМАТ**

*Ҳар доим вақтим йўқ дегувчилар аслида ҳеч нарса қилмайдилар.*

**Георг ЛИХТЕНБЕРГ**

КЕЛГУСИ СОНДА:

ЎҚИТУВЧИНИНГ МАОШИ ҚАНИ?

ПАДАРКУШ

НАЖОТ МЕҲНАТДА




## "ҲА, ДЎСТ!"

***103 ёшга кирган Холдона момо вафот этди. Қирқи бўлаётганди. Баъзан ҳайрон қоласиз, жуда кекса киши ҳаётдан кетса, қайғурувчи камроқ бўлади. Айримлар "Қари вафот этса, тўй-да" деб қўяди...***

Азиз Шоймардонов мактабда зўр ўқитувчи. Шеър ҳам ёзиб туради. Илҳоми келса қўшиқ ҳам айтади. Зиғирчагина айби бор. Икки йилдами, тўрт йилдами бир марта кўпроқ "ичиб" қўяди. Лекин ташқаридан қараб, ичганини билмайсиз.

Азиз момонинг қирқига борди. Кайфи яхши. Бориб ўтирди. Тўрдаги мулла йигит фотиҳа ўқий бошлади. Овози бошқа. Худди қўшиқдай. Оҳанги сеҳрли. Азиз бу овозни эшитиб, "эрийверди". Мазза қилди. Гўё Маъмуржон Узоқовнинг қўшиғини эшитаётгандай бош чайқади. Момонинг қирқида ўтирганини унутди. Мулланинг овози кайфиятини кўтарди. Чин юрагидан чиқариб, "Дў-с-ст!" деди. Ёнида ўтирган Бобомурод ошноси туртди. Азиз тушунмади. Мулла чўзиб ўқиди. Азиз атрофга эшитарли қилиб "Ҳа, дўст!" деб юборди. Биқинига қаттиқроқ мушт тушди... У алангларди. Одамларга тикилди... Қуръон ояти ўқилаяпти... Хуши жойига келди. Қўлга тушган ўғридай боши эгилди... Фотиҳага қўл очди... Ўрнидан туриб, кетаётганида ҳамма унга ёмон назар билан қараётгандай туюлди. Роса уялди. Бу гап шу куннинг ўзида қишлоққа тарқалди...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

## ПЎЛАТ ПИЁДА

***-Олимжон, далангиз қочиб кетмайди, Пўлат акадан бир ҳол-аҳвол сўраб қўйинг. Ён қўшнимиз-а, - деди Сорахон опа далага отланаётган эрига.***

-Унга нима қипти?

-Кўчамиз бошидаги артизон қудуғига қайсидир оёғи тушиб кетиб синибди. Уйида шипга қараб ётган эмиш.

-Энди пиёда ҳам юролмайдиган бўлиб қолибди-да, - деди эри бошини сарак-сарак қилиб. – Шу одамга ҳайрон қоламан, жуда ғалати-да...

Аслида бу одамга бутун галаосиёликлар ҳайрон қолади. Ғайритабиий хислати бор. Велосипед минса ҳам бир фалокатга йўлиқади. Машинани-ку, гапирманг. Бир вақтлар илғор сувчилиги учун "Москвич" машинасини мукофотга беришган эди. Далага миниб борди, қайтишда эса бошқаролмай қолиб зовурга ағанатиб юборди. Ўзини бир худо сақлади. Машинани таъмирлатиб, яна бир ҳафта минди, холос. Туман марказидаги чорраҳада эшак аравага бориб урилди. Эшак ўлди, арава пачоқ бўлди. Аравакаш бир ой шифохонада ётиб чиқди. Эшаги билан янги арава олиб бериб зўрға қутулди. Шу сабаб судланиб ҳам олди. Олди урилган машинасини тузатиб, ярим пулига аранг сотди. Чунки билганлар "йўли берк машина" деб унга йўлашмади-да.

Шу-шу техникадан кўнгли совиди. Бу ҳам майлику-я, у чиққан транспорт ҳам бирор кор-ҳолга дучор бўлади. Икки марта шундай ҳодиса рўй берди. Қўшнисининг машинасида бозорга тушишувди, янги машина мотори "ушлаб қолди". Куёвининг машинасига чиққан эди, аккумуляторидан ўт чиқиб ёниб кетишига бир баҳя қолди. Шуларни ўзича ҳисоб-китоб қилиб, умуман машинага чиқмай қўйди. Сартарошхона олдида велосипедини ўғирлатиб қўйгач, тақдирга тан бериб, фақат пиёда юрадиган бўлди. Қаерга борса ҳам пиёда боради, "Пўлат пиёда" деган лақабни одамлар шундан келиб чиқиб қўйишган. Тўхтаган машинага чиқмайди, атайлаб тўхтатмайди ҳам. Мана, энди пиёда юриб ҳам шикаст топибди. Бу қандай кўргулик?

...Эр-хотиннинг гапи давом этяпти:

-Қуруқ кирсам бўлмас, бирор нима олиб кирай.

-Беш-олтита даканг товуқ тухумидан бор, - деди хотини. – Шуни олиб чиқа қолинг. Оқини ўзи еса, сариғини синган оёғига суркар...

**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ**

## БЎЗҚИШЛОҚЛИК КЎКАНБОЙ

***Кўп йилдан буён туман идораларидан бирига бошлиқ бўлиб, эгат оралаб кўрмаган Бекдурди Қодировичнинг бирданига деҳқончиликка иштиёқи тушганлиги қишлоқда анча "дув-дув гап"га айланди. Сўзга тўн кийдириб қўядиганлар уни турлича талқин ҳам қилишди. Аслида эса воқеа бундай бўлганди.***

Гуручнинг нархи 600 сўмга кўтарилгандан сўнг Бекдурди ҳам шоли экиб, бир йилдаёқ бойиб кетиш режасини тузди. Шу мақсадда фермер дўстидан ҳар бир гектарини 500 минг сўмдан икки гектар ер олиб, (пулнинг нақ ярми фоизга олинган) буғдой сочди. Ёзда ўриб олгач, ўрнига шоли экмоқчи бўлди. Қараса, бу йил сув мўл. Май ойининг бошидан уруғ сепиш мумкин. Буғдойга кетадиган харажат ва шолини кўчатлаб экиш машаққатларини хомчўт қилган Бекдурди сийракроқ бўлса-да, майсалари тиззага урай деб қолган буғдойзорни ҳайдатди-да, "Авангард" экди. Бахтга қарши ёзга келиб, минерал ўғитнинг нарҳи кўтарилганидан кўтарилди. "Киндик" ерга экилган шоли кўнгилдагидан зиёд ҳосил берди-ю аммо янги гуручнинг нархи 150 сўмгача тушиб қолса бўладими? Бир томонда қарзга олинган 500 мингнинг фоизи болалаб ётибди. Ноиложликдан ҳосилнинг каттагина қисмини сотиб, қарзидан қутулган Бекдурдининг ўзига қилган харажатию, меҳнати эвазига бир қишга етгулик гуруч қолганмиш, холос. Эшитишимизча, қимматга тушган гуруч паловидан тўйиб олган "Кўканбой" узун қиш кечалари келгуси йил яна нима эксам экан, деб хаёл суриб ётармиш.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

## ЯХШИ... ЯХШИ...

***Бахтиёр деган йигит Тошкентга келиши биланоқ аэропортдаги телефон трубкасига ёпишди. Худди орқасидан ит қувиб келаётгандек ҳансираганча телефон рақамларини тера бошлади.***

-Алло. Ким бу?

-Нима ишингиз бор кимлиги билан? – деган аёл кишининг таҳдидли овози эшитилди.

-Ў, отимни айтмабман. Эрингизнинг ошнаси, Бахтиёр полвон бўламан!

-Нима дедингиз? Э, мен қизлари бўламан...

-Ўв,кечирасан. Отанг – бизди хумкалла ошна уйдами?

-Дадамми? Қишлоққа – кеча кечқурун Қашқадарёга жўнаб кетдилар. Момом - дадамнинг оналари бўлмаптилар...

Телефондан қиз боланинг хўрсиниши, сал-пал йиғиси эшитилгандек бўлди. Бахтиёр нима деярини билмай, довдираб қолди.

-Онаси қазо қиптими? Яхши... Яхши... Бўпти... Дуруст... – деди беихтиёр.

Аммо, уч-тўрт қадам юргач, бошига тарс этказиб урди. "Эҳ, мен каллаварам, шоир ошнамнинг онаси ўлганини эшитиб, қизига нега "Бўпти, дуруст, яхши... яхши...", дедим? Шошганимдан оғзимдан чиқиб кетипти-да", деди на кулишини, на афсус чекишини билолмай.

**Х.ЖОВЛИЕВ**

# ЗАМОНАМИЗ ФАРҲОДЛАРИ

(Боши 1-бетда)

-Мана ҳозир биз Деҳқонободнинг Бешбулоқ, 1 Май қишлоқларидан ўтиб келдик. Бу жойларда минглаб аҳоли истиқомат қилади, - дейди "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги раҳбари Б.Бердиев тоғ ўнгирларини кўрсатиб. – Қаранг, мана уларнинг ёнгинасидан темир йўл ўтиб келяпти. Энди улар поездда Тошкентга ёки қўшни давлатларга тезда бориб-келиш имкониятига эга бўладилар. Бу ерларга халқ истеъмоли моллари ташиб келтириш осонлашади. Қанчадан-қанча маданий-маиший объектлар қурилиб, халқ хизматига сафарбар этилади.

...Темир йўл қурувчилари ҳузурига ошиқдик. Тоғ йўлида машина бир неча марта лойга кириб кетди. "Тавба, бир жойга қарасангиз – жарлик. Қараб туриб юрагингиз орқага тортиб кетади. Яна бошқа тарафга кўз югуртирсангиз, баланд адирлик. Шундай тоғ шароитида темир йўл қураётганларнинг матонатига фақат қойил қолиш керак!" дея ўйлайсиз кета туриб.

Ғуриллаган товуш тоғ сукунатини бузиб турар эди. Нима бу? Яқинлашганимизда ҳайрон қолдик. Ўзини Нўъмон Пўлатовман, дея таништирган киши бир қаричдан қалинроқ пўлат рельсларни худди сариёғдек қирқиб ташлар эди. Унинг қўлидаги асбобдан чиқаётган ғуриллаган товуш ҳаммани сергак торттирар, ҳозиргина ётқизилган темир йўл текис чиқиши фақатгина шу асбобнинг тинимсиз ишлашига боғлиқ эканлигини ҳис этишар эди. Узун вагонларга махсус тайёрланган панжаралар тўлдирилган. Ҳар қайсиси йигирма беш метр узунликдаги бу панжаралар ерга ётқизилиши биланоқ, темир йўл ҳосил бўлиб қолаётир. Вагоннинг юқори қисмидаги кранни бошқараётган Шокир Тўраевнинг ҳаракатлари чаққон. Пастки кранни бенуқсон бошқариб бораётган Собир Жўраев эса ердан кўзини узмайди.

Темир йўл панжаралари ерга теп-текис жойга авайлабгина туширилмоқда. Шундан сўнг гайкалар қотирилиб, маҳкамланмоқда. Сўнгра йўллар бир-бирига улаб кетилаётир. Иш фақат шу билангина тугамайди. Темир йўл қурувчилар учун энди янада масъулиятли вазифалар олдинда кутиб турибди. Йўлларнинг атрофига, шпаллар орасига махсус олиб келинган энг сифатли шағал тўкила бошланади. Йўлнинг қайси жойи маромига етмаган бўлса, яна бир сидра текислаб чиқилади. Озгина янглишса, тамом, бутун қилинган тоат-ибодат чиппакка чиқади, йўлнинг сифати бутунлай бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу боисдан Эркин Ҳайриев, Алиқул Қудратов, Мусурмонқул Бойкелдиев, Тошқўрғон Ризаев, Қулмон Тўлаганов сингари тажрибали ҳамда тадбиркор мутахассислар масъулиятни сира унутмайдилар.

-Мана Деҳқонободгача 38 чақирим жойга пўлат изларни ётқизиб бўлдик, - дейди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компаниясига қарашли 214-сонли Шаҳрисабз машиналашган темир йўл станцияси бош ҳисобчиси Шукур Ҳайдаров биз билан суҳбатда. –Кечадан бошлаб эса Қумқўрғонда ҳам ишни давом эттиряпмиз.

Деҳқонободдан чиқиб, темир йўл ўтиши режалаштирилган жойлардан яна бири – Сурхондарёга қараб йўл олдик. Негаки, Ғузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли қурилишининг охирги участкаси – Қумқўрғонда ҳам иш қайнаётганлигини айтишди.

Қорли тоғлар орасидан уч-тўрт соат йўл юриб Бойсуннинг Тангимуш қишлоғига етиб келдик. Қош қорайиб, тоғларга қоронғилик чўккан бўлса-да, баҳайбат булдозерларнинг шовқини бутун тоғни тутиб кетган. Фарасидан ўткир нур таратиб турган экскаваторлар тоғ ён бағрида аранг кўзга чалинади. Скрейперларнинг шиддати янада баланд – тоғ ўнгирларидаги тупроқ ёйилиб, теп-текис йўл ҳосил бўлаётир. Панжи Қўзиев ҳамда Шайдулла Мирзаев раҳбарлигида ишлаётган бу фидойи кишилар тўққиз ойдан бери тиним нималигини билишмаётир. Улар 117 минг кубометр тупроқ ишларини амалга оширдилар.

Бир неча чақиримга – тоғ ичкарисига чўзилиб кетган қурилиш ишларини кузатар эканмиз, инсоннинг ақл-заковати, қудрати туфайли қанчалик улуғвор ишлар амалга ошиб кетаётганлигини яна бир карра ҳис этасан киши.

Ҳу анави сойликдан баҳорда шарқираб сел сувлари оқиб ётар эди. Энди бу жарликдаги митти дарёлар ўзанини бутунлай ўзгартириб юборишди. Скрейперларнинг қудратли "қўллари" билан кичик жилғалар, сойлар саксон метр нарига кўчириб қўйилди. Темир йўл ўтадиган саккизта сойликка ўттиз-қирқ метр кенгликдаги бетон трубалар ётқизилиб, кўмиб чиқилди. Ҳатто бу ердаги бўлажак Тангимуш станциясига яқин келажакда келиб тушадиган юклар учун омборхона қурилиши ҳам бошлаб юборилган.

"Буюк ипак йўли" уюшмасига қарашли Каттақум йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Панжи Қўзиев темир йўл ётқизиш олдидан қанчалик катта юмушлар бажарилишини тасаввур қилишимизга кўмаклашди.

-Мана бу биз кетаётган жой темир йўлга ёндош автомобил йўли. Пўлат изларни ётқизгунча анави техникаларни бошқараётган эллик-олтмиш киши бетўхтов ишлаяпти. Чамаси, ўттиз метр баландликда ҳайқириб турган экскаваторга кўз югуртираман. Уни моҳирона бошқараётган Юрий Остриковнинг ҳаракатларини айтмайсизми. Экскаватор кавишлари орқали темир йўл чеккасини теп-текис қилиб кетаётир. Унинг моҳирлиги туфайли уйдим-чуқур жойлар текисланаяпти.

Чироқчидан, Яккабоғдан, Қаршидан, Бойсундан, хуллас, турли туманлардан келиб ишлаётган юзлаб кишиларнинг худди ака-укалардек аҳил, зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганлигини кўриб, қойил қолмасдан илож йўқ. Ана шу иноқ, фидойи кишиларни бирлаштириб турган эзгу ният, миллионлаб кишиларнинг манфаатини ўйлаб амалга оширилаётган улуғ йўлни тезроқ қуриб битказишдек орзу-ният эмасмикин?

...Бойсун тоғининг Қумқўрғонга туташиб кетган ўнгирларида гумбурлаган овоз эшитилди. Осмонга чанг-тўзон кўтарилиб кетди. Техника ўтиши қийин бўлган метиндек қаттиқ тошлар махсус моддалар ёрдамида портлатилаётган эди. тошларни йўниб, тоғларни худди тарвуздек тилимлаётган бу одамларни кўриб янги асрнинг Фарҳодлари ана шулар эмасмикин, дея хаёл суриб қоласан киши.

**Жовли ХУШБОҚ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Бугун - ЮНИСЕФ ташкил этилган кун*

# КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

***11-декабр Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ ташкил этилган кун. Мазкур ташкилотга 1946 йилда асос солинган бўлиб, мақсад II-жаҳон урушидан сўнг болаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш эди.***

1953 йилга келиб ташкилот кўлами кенгайди ва БМТнинг Фавқулодда халқаро болалар жамғармаси номини олди. Жамғарманинг айни кунда дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида ваколатхоналари, Женева, Копенгаген, Токио каби шаҳарларда йирик ваколатхоналари, Флоренцияда эса тадқиқот маркази фаолият кўрсатмоқда. ЮНИСЕФнинг бош қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган. Ташкилотнинг бошқарув органи ижро кенгашидир. Кенгаш ЮНИСЕФнинг фаолият дастурларини, молиявий имкониятларини тасдиқлайди. Ташкилотнинг 85 фоиздан ортиқ ходимлари дунёнинг турли ҳудудларида яшаётган болалар аҳволини ўрганади, муаммолар ечимини излайди. Таъминот бўлими эса зарур жойларга моддий-техник ёрдам – дори-дармон, вакцина, асбоб-ускуналар етказиб бериш билан шуғулланади.

ЮНИСЕФ ўз фаолиятини Марказий Осиё давлатларида 1992 йилдаёқ бошлаган эди. Жумладан, республикамизда унинг ваколатхонаси 1994 йилда очилди. Ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти болалар ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлиб, ўтган давр мобайнида ҳукуматимиз билан ҳамкорликда болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қатор ишлар қилинди. Бироқ Оролбўйи ҳудудида экология муҳитининг кўнгилдагидек эмаслиги оналар ва болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётгани бор гап. Ҳамкорликдан кўзланган мақсад ҳам шу каби муаммоларни баҳамжиҳат бартараф этишдан иборат.

-Жорий йилнинг 16 декабрида Ўзбекистондаги 6 миллиондан ортиқ ўқувчи ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда ташкил этадиган компаниясида иштирок этадилар, - дейди жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бренда Виго хоним. – Улар бу тадбирда мамлакатда ҳар беш кишидан иккитасининг соғлиғи учун жиддий хавф туғдираётган хасталик – йод танқислиги ҳақида етарлича маълумотга эга бўладилар.

Мутахассисларнинг фикрича, йод танқислиги хасталиги ақлий ривожланишнинг сусайишига, ҳатто туғилмаган боланинг ўлимига олиб келади. Уни жуда оддий усул – етарли миқдорда йодланган туз истеъмол қилиш йўли билан бартараф этиш мумкин. Демак, фарзандлар саломатлиги ўз қўлимизда.

**Саид РАҲМОНОВ**

# БЕБАҲО ХАЗИНА

ЖАРАЁН

***Ғиждувондаги қишлоқлардан бирида Вали ака деган киши яшайди. У эсини танибдики, далада ишлайди. Ўзи жўжабирдай жон. Чумолига ҳам озор бермайди. Бир гал учрашиб қолганимизда "Менда ота-боболаримиздан мерос қолган қадимий китоблар бор. Афсуски, араб имлосига тишим ўтмайди. Бу китобларнинг баҳоси қанча турса экан" деб қолди.***

Сездимки, пулга муҳтож. "Бировдан қарз олсангиз олингу аммо у китобларни сотманг, кўз қорачиғидек асранг", дея маслаҳат берган бўлдик.

Шу кичик воқеа сабаб талабалик даврим ёдга тушди. Ўтган асрнинг 80-йиллари эди. Самарқанд давлат университетида академик Воҳид Абдуллаев, профессор Нуриддин Шукуров (ҳар иккалаларининг қабрлари нурга тўлсин), ҳамда ғоят зукко навоийшунос устоз Ботирхон Валихўжаев сингари олимлардан сабоқ олардик. Бир гал домла Воҳид Абдулла "Қани, шунқорлар, Бухоронинг Гаждумагидан ким бор", деб сўраб қолдилар. Шундай таниқли олим бизнинг қишлоқни ҳам билар экан-да, деган ўйда ўрнимдан турдим. У киши ўзларига хос ўктам товушда "Сенинг Гаждумагингдан, масжид ёнидаги сувсиз қудуққа ташланган китоблар орасидан Хоразмийнинг нодир девонини топиб олганман. Шу асосда илмий иш қилганман" дедилар.

Домла таҳликали 30-йилларни назарда тутаётган эдилар. Айни ўша алғов-далғовли йилларда у киши бир муддат Бухоро давлат techинститути (ҳозирги университет)да фаолият кўрсатганлар.

Ўша суронли йилларда шўро тузуми зуғумидан омон қолиш, жон сақлаш умидида араб имлосидаги китобларни ерга кўмган, бегона кўзлардан яширганлар кўп бўлган. Уйидан шундай китоблар чиқди, деган важ билан умри темир панжара ортида ўтган кишилар оз дейсизми? Домламиз қўлига тушиб қолган нодир девонга келсак, афтидан у масжид кутубхонасидаги ўнлаб китобларнинг бири бўлган.

-Дарҳақиқат, қадим-қадимдан масжидларда кутубхоналар бўлиб, улардан илму толиблар, ён-атрофдаги аҳоли фойдаланган, саводхонлигини оширган, - дея мулоҳаза юритади Ўзбекистон мусулмонлар диний идорасининг Бухоро вилоятидаги вакили Ғафуржон ҳожи Раззоқов. – Тарихга назар ташласак, бу кутубхоналар икки бор вайрон этилганининг гувоҳи бўламиз. Биринчиси 1220 йилги Чингизхон истилоси даврига тўғри келади. Кейинчалик вақт ва давр ўзгариши билан юртимизнинг фозил одамлари, маърифатпарварлар саъй-ҳаракати билан масжидларда кутубхоналар қайта тикланди. Шўролар тузуми даврига келиб, аниқроғи 20-30-йилларда бундай масканлар яна ҳувиллаб қолди. Шўроларга халқнинг ўзлигини англатувчи китоблар ҳар қандай душмандан ҳам хавфлироқ бўлиб туюлгани аниқ.

Ачинарлиси шундаки, ҳар иккала ҳолда ҳам халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлиги саналган кўплаб нодир китоблар йўқ қилиб юборилди ёки ими-жимида четга олиб кетилди.

Дарвоқе, қадимий китобларни асраб-авайлаш, нодир қўлёзмаларни топиб ўрганиш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирларнинг бирида "масжидларда кутубхоналар ташкил этиш" таклифи ҳам ўртага ташланди. Масжид ҳам тарбия маскани эканини, истиқлол туфайли динимиз, қадриятларимиз ўзимизга қайтганини, йил сайин намозхонлар сони кўпаётганини инобатга олсак, бу таклиф ҳар ҳолда ўринлидир. Токи, ёшларимиз ислом динининг асл мақсад-моҳиятини ишончли манбалар асосида ўрганишгани маъқул.

Мақоламизни уйида қадимий китобларни асраб юрган деҳқон йигит ҳақидаги гапдан бошлаган эдик. Яқинда у билан яна учрашиб қолиб, ўша китоблар тақдири билан қизиқдик. "Ҳаммасини асраб қўйибман, - деди у. – Насиб этса, ўғлим хат-саводли бўлади. Мен ўқий олмаган китобларни у албатта, ўқийди".

Оддий бир деҳқоннинг юракдан айтган бу сўзларини эшитиш жуда ёқимли эди...

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Зуҳра Қорақуловани Мирзачўл туманида кўпчилик танийди. У моҳир тикувчи, ўз касбини "Ержар" маҳалласидаги ўнлаб дугоналарига ҳам ўргатаяпти.**
**-Ўзим бичиб тиккан либосларни ёшу қарининг кийиб юрганини кўрганимда қувониб кетаман, - дейди у. – Қолаверса, бу ҳам мўмайгина даромад келтираяпти.**
**СУРАТДА: Зуҳра Қорақулова.**

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

# ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ

***Тошкентда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари ассоциацияси тузилди. Унга телевидение, радио ва кабел телевидениянинг 65 та субъекти кирди.***

Ассоциация ташкилий қўмитаси йиғилишда унинг бошқаруви сайланиб, низоми қабул қилинди. Ушбу ташкилот низомида мустақил электрон матбуотнинг ривожлантириш учун иқтисодий шарт-шароитларни яратиб, унинг давлат ҳокимиятидан мустақил қилишга ва ОАВ бозорини ривожлантиришга интилиши баён этилади.

- Давлат ва жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, ахборот соҳасини,биринчи навбатда демократик тамойилларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутган телерадио эшиттиришларни жадал ривожлантиришни талаб қилади, - деди Ассоциация раиси Фирдавс Абдухолиқов "Тукристон-пресс" мухбирига. - Шунинг учун ҳам бугунги кунда миллий телерадиоиндустрия соҳасидаги тараққийпарвар кучларни бирлаштирмай туриб қўйилган вазифаларни тўлақонли амалга ошира олмаслигимиз аён. Уларни Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўз атрофига жипслаштириши мумкин.

Ф. Абдухолиқовнинг таъкидлашича, ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири электрон ОАВнинг жадал ривожланишига ҳалақит бераётган сабабларнинг моҳиятини очиш, Ўзбекистонда замонавий оммавий ахборот воситалари бозорини вужудга келтиришдан иборат. Бугунги кунда ОАВ миллий бозори пайдо бўлмоқда. Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширувчи куч эса миллий оммавий ахборот воситалари мутахассислари, журналистлар ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистоннинг журналисти ўз мамлакати келажаги ҳақида қайғурувчи, изланувчан, жамиятни олға юритишга халал бераётган сабабларни очиб, уни таҳлил этувчи, миллий менталитетни чуқур тушуниб кетган, ҳар томонлама билимдон, тараққиётнинг янги поғоналарига интилувчан киши бўлиши лозим.

Ушбу ташкилот хорижий телерадиокомпанияларни ҳамкорликка чақиради. Ассоциация ташкилотчилари унинг аъзолари учун "Ахлоқ кодекси" ишлаб чиқишни режалаштирмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

# СУТ ИЧАСИЗМИ?

(Боши 1-бетда)

Ана йўлакда болакай ҳам келаяпти.

-Тутун ичида қолибсан-да, ошнам, - дедим эски қадрдонимга.

-Эй, ҳавони расво қилишибди. Бунинг турган-битгани зарар-ку... Одамлар бир-бирини заҳарлаяпти. Уйга кириб тезда сут ичиб олинг. Шаҳарга келсам, ҳавонинг оғирлигини мен ҳам сезиб қоламан. Бизнинг қишлоқнинг ҳавоси зўр, - деб қўйди билағон танишим.

Тўртинчи қаватга кўтарилгунча болакайнинг: "Одамлар бир-бирини заҳарлаяпти..." деган гапи қулоғим остида жаранглаб турди.

Шаҳарларимизнинг гавжум масканларида ҳали ҳам ҳар жой-ҳар жойда хазон тутаб ётганини кўрасиз. Биласиз, тутуннинг заҳри атрофдагиларга, касалманд кишиларга салбий таъсир қилади. Иккинчидан, шундоғам бир аҳволдаги ҳавомиз заҳарланади. Шаҳар кўринишига номуносиб манзаралар ҳосил бўлади. Умуман олганда, ўрлаган хазон тутунлари заҳрининг саломатликка таъсирини медицина тили билан яхшилаб шарҳлаб берсак, табиийки, капалагимиз учиб, анча хушёр тортиб қоламиз.

Хуллас, шу мавзуда газетамизда таҳлилий мақола чоп этилди. Биз эса мавзуга мутасадди ташкилотлар эътиборини ҳам қаратмоқчи бўлдик.

Кунларнинг бирида таҳририятда телефон жиринглаб қолди. Мутасадди ташкилотнинг вакили. Бироз ғаши келибди чоғи, норози оҳангда деди:

-Энди шаҳарнинг қишлоққа нима дахли бор? Шаҳардаги муаммолар бизники?!

Мен бир нарсани ўйладим. Ҳар куни шу ердан – хазон тутуни ўрлаган йўлакдан, япроқлар куйиб тутаётган чорраҳадан ўтиб ишга келаман. Тонгги соф ҳаволардан ўпкам яйраши ўрнига, димоғим ачишади. Тўғри, майда гапдай туюлар. Дунёда бошқа муаммолар йўқмикин? Бор. Лекин дунёни титратиб турган муаммолардан бири бу – экология. Жаҳоннинг илғор давлатларида улкан ва кекса дарахтлар танасига медал "тақиб" қўйишаркан. Улар бизнинг ҳавомизни тозалайди, ўпкамизнинг шифоси, содиқ дўстимиз, деган мазмунда шундай қилишаркан.

Биз эса дарахтнинг тагига ўт қўямиз. Бизга нима, тутаса тутайвермайдими? Оддийгина тозаликка, озодаликка ҳам риоя қилмаймиз. Атрофга маданиятсизлик билан муносабатда бўламиз.

Ахир шаҳарда чиқинди ташийдиган машиналар бор. Тозаликка масъул ходимлар бор, номдор ташкилотлар бор.

Энди ҳалиги вакилнинг димоғи фалакни ёрганига куйишингни ҳам, кулишингни ҳам билмайсан.

Гапини қаранг: шаҳарнинг қишлоққа нима дахли бор эмиш. Бу мен нима дейману қўбизим нима дейди, деган иборани ёдга солади. Майли, мавзу қолиб сизнинг сўровингизга жавоб берадиган бўлсак, шаҳарнинг қишлоққа дахли бор, оғайни. Аксинча, қишлоқнинг ҳам.

Шаҳар дастурхонини қишлоқ безайди. Ризқу насибамиз – нондан тортиб, мева-чевагача қишлоқ заминида етилади. Ерга уруғ тушиб, ғалла бошоқ уради, дон бўлади. Ризқнинг илдизи қишлоқ заминида. Байрамларда мошин-мошин полиз маҳсулотлари келтирилиб, шаҳарликларга арзон нархда сотилади.

Ҳа, бозорда ҳамиша шундай; чин деҳқоннинг ҳосили сув-текин. Арзон. (Олибсотарни энди ўзингиз биласиз – деҳқондан олиб, хоҳлаган баҳода пуллаб, маҳсулотни доналаб сотишдан ҳам тоймайди).

Қишлоқ олибсотарликдан уялади. Ёки олибсотарликни шаҳарга келиб ўрганади. Тўғри, қишлоқ маҳсулотини шаҳар харид қилади, агар маҳсулотнинг ўзи бўлмаса-чи, унда нимани харид қилади?

Мана, одамларнинг – айни шаҳарликларнинг фикри. Лилия Алиева, пойтахтдаги 17-гимназия мактаби директори:

-Деҳқоннинг ҳалоли бўлсин. Бозорларимиз тўкин. Ўзбекистон бозорларини тўкин қилган шулар. Юртимизнинг жаннатга қиёслиги деҳқон меҳнати туфайли.

-Бир кунда бозорларимизда 100 тонналаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилинади. Деҳқоннинг отасига раҳмат, хокисор ва беминнат инсонлардир улар, - дейди Шайхонтоҳур туманида яшовчи Исматулла ота Иброҳимов.

-Мен Қорақамиш 2/1 даҳасидаги бозорда картошка-пиёз, у-бу нарса сотаман. Чорсу, Қўйлиқ бозорларидан олиб келаман. Албатта, тирикчилик – устига қўйиб сотаман. Шундан рўзғор тебратаман. Бир мен эмас, мана, бозоримиздагиларнинг ҳаммаси шундай. Ишқилиб, шу ҳосилни етиштирган деҳқон омон бўлсин, - дейди Тўхтахон опа Илёсова.

Унинг гапини бозордаги Лола опа, Саодат опа, Гули опалар ҳам маъқуллашади. Мана, чин кўнгилдан айтилган эътироф.

Қадим-қадимдан шундай бўлиб келган; одамлар олис-олис овул ва қишлоқлардан улкан шаҳарларга нур ва илм олиш учун интилган. Қишлоқлар даҳоликка тор келган пайтлар, шаҳарлар бағир очиб кутиб олган, бошпана бўлган. Шаҳарлар маърифат маскани саналган. Улуғ обидалар, мадрасалар шу ерда қад ростлаган. Бизнинг давримизда ҳам шундай; шаҳарлар – саноат макони, илм-фан ўчоғи. Масалан, Тошкент – она Ўзбекистоннинг уриб турган юраги. Пойтахт. Ҳароратли шаҳар. Агар биз юртимизни бутун, тирик организм деб англасак, ана шу юракни дадил ва бардам уриб туриши учун эса кентлар, овуллар, қишлоқлар, туманларнинг ҳам ҳар бирининг ўз улуши бор, хизмати беқиёс. Улар бир-бирига боғлиқ. Эт билан тирноқ.

Қишлоқнинг пахтаси, ғалласи, ипаги, сут-қатиғи, яйловлардаги чорваси улкан шаҳарлардаги одамларнинг фаровон ва хотиржам, тўқ яшаши учун инъом этилади.

Яна бир оддий мисол. Юқорида айтганимиздай, уйларимизга қишлоқлар, хўжаликлардан сут-қатиқ келтирилади. Шаҳар дастурхонига нонуштада қаймоқ қўйилади. Пишлоқдан тортиб, мураббогача шу – қишлоқ тупроғида етиштирилади, қишлоқ одамининг инъоми булар. Сут ичамиз, қатиқ, қаймоқ истеъмол қиламиз. Албатта, ҳалиги "вакил" ҳам дастурхонини буларсиз тасаввур қилолмайди. Майли, масалани чуқурлаштириб ўтирмайлик, ҳеч бўлмаса содда қилиб савол қўяйлик: Сут ичасизми, кабинетнинг вакили?

Заминимиз битта. Тупроғимиз ҳам бир. Илдизимиз ҳам. Шаҳарнинг қишлоққа нима дахли бор ёки тескарисига айтганда, қишлоқ шаҳарга боғлиқлигини вакил жанобларининг тушуниб етишига, назаримизда, ҳали етти қовун пишиғи бор-ов... Лекин ана шундай тушуниб-тушунмаган киши вакил бўлиб "фаолият" кўрсатишга лойиқмикан?

Бизда сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги бор экан, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро эса матбуот минбарида сўз айтишга ҳақли ва ўзини атроф-теваракда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, жумладан, шаҳар ҳуснига доғ бўлиб тушган уюм-уюм хазонларни тутаб ётганига ҳам дахлдор деб билади.

Ё, сиз ҳали ҳам бошқача фикрдамисиз, мутасадди вакил?

**Кўчқор НОРҚОБИЛ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

**_Истиқлолимизнинг ўн икки йиллиги арафасида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида"ги Фармони эълон қилинганди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ана шу мукофотланганларнинг бир гуруҳини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди._**

Унда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

Ҳар йили республикамиз Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлаш арафасида ўтказилиши анъана тусини олган бу галги тақдирлаш маросими ҳам чинакам байрамга айланиб кетди. Маросимда сўз олган нотиқлардан бири: "Бизнинг юртимизда ҳеч бир нарса эътибордан четда қолмайди. Бу эса инсон учун ҳар қандай мукофотдан ҳам қадрлироқ", дея таъ-



кидлади. Дарҳақиқат, энг муҳими эътибор. Буни маросим иштирокчилари ҳам эътироф этишди.

**Парзиниса НАЗАРОВА, Бағдод туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалигининг пиллачиси, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи":**

-15 йилдирки пиллакорман. Очиғи, куртни боқиш учун куртдай меҳнат қилиш керак. Ана шундагина кўзланган натижага эришиш мумкин. Ҳар йили давлатга 100 килограммдан ошиқ пилла топшираман. Меҳнат қилиб кам бўлмаяпман. Аксинча ҳурмату обрў топаяпман.



Мустақиллигимизнинг илк мучал тўйи арафасида менга мана шундай юксак унвоннинг берилиши ҳаётимдаги энг қувончли кун бўлди. Бунинг учун Юртбошимизга ва мени қўллаб-қувватлаганларга миннатдорчилик билдираман. Насиб қилса давлатга яна кўп пилла топшираман.

**Худойқул ЮСУПОВ, Яккабоғ туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалигининг бош ҳосилоти, "Шуҳрат" медали соҳиби:**

-Шу соҳада ўттиз саккиз йилдан бери меҳнат қиламан. Нолимайман, тирикчилик ернинг орқасидан кўнгилдагидек ўтаяпти. Ҳали билагим тўла куч. Қўлимдан келганича республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

**Қобил ЯХШИБОЕВ, Нуробод туманидаги Р.Жаҳонгиров номли ширкат хўжалигининг бош чўпони, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор":**

-Чўпонлик таёғи отамдан мерос. Гапнинг ростини айтайми? Яйловда юрган кезларим жуда кўп нарсаларни ўйлардим-у, аммо қачонлардир Президентимиз Фармони билан бундай юксак унвонни олиш тушимга ҳам кирмаганди. Оддий бир чўпонга эътибор бўлса шунчалик бўлади-да.

Отарда 400 бош қўйимиз бор. Ҳар йили ҳар юз бош қўйдан 160 тадан қўзи оламиз, жунни режадагидан ошиғи билан топширамиз. Ҳали кўрасиз, ўзбек қоракўлининг довруғи бутун дунёга ёйиладиган кунлар келади. Бунинг учун эса меҳнат қилиш керак. Буёғини бизга қўйиб беравеиринг.

**ИФТИХОР**

**Мамадали ЎЛМАСОВ, Охунбобоев туманидаги "Азизбек-1" фермер хўжалиги бошлиғи, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор":**

-Президентимиз Фармонини газетада ўқидим-у, у ерда ўзимнинг ҳам исм-шарифимни кўриб, аввалига ишонмадим. Адашишмадимикан, деб газетани қайта ўқидим. Қувонганимдан беихтиёр кўзларимга ёш келганини сезмай қолибман.

153 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. 70 гектар ерда пахта, 80 гектар ерда буғдой етиштирамиз. Ҳосилдорлик пахтада ўртача 36-40 центнер, ғаллада эса ўртача 55 центнердан ошди.

Бугун юртимизда фермерликка эътибор жудаям катта. Бунинг амалий натижасини ҳамма кўриб, билиб турибди. Мақтанаяпти деб ўйламангкуя, баъзи ширкат хўжаликларидан кўра фермер хўжаликларининг ҳосилдорлиги юқори бўлаяпти. Бу бор гап. Мулкка, ерга бўлган муносабатнинг намунаси-да. Ҳали кўрасиз, вақти келиб мана-ман деган чет эл фермерлари биздан келиб иш ўрганиб кетишади. Бунга ҳеч шубҳам йўқ.

**Ҳакима ТОПИЛОВА, Пскент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги механизатори, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси:**

-Фармон чиққан куниям трактор билан далада эдим. Кеч тушиб уйга келсам бутун қариндош-уруғ, қўни-қўшни йиғилишган. Юрагим бир ағдарилиб тушди. Тинчликми, деб сўрадим. Қўлимга газетани тутқазишди. Ўша топда гўё йигирма беш йиллик чарчоқларим бир зумда эсимдан чиқиб кетгандек бўлди.



Аслида аёл кишининг трактор ҳайдаши кўпчиликка ғалати туюлади. Нима қилай, техникани жонимдан ортиқ кўраман. Далада ишласам дейман.

Бу йилги шароит биз учун ҳам оғир келди. Баҳорда ёққан тинимсиз ёмғир чигитни қайта-қайта бузиб экишга мажбур қилди. Мен учун энг қийини мана шу бўлди. Не-не умидлар билан ерга қадалган уруғни бузиш... Ачинасан, аммо начора. Аслида мана шу машаққатлар одамларни тоблайди, қаҳрамонга айлантиради.

**Алишер КОМИЛОВ, Риштон тумани "Машина-трактор парки" акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, "Дўстлик" ордени соҳиби:**

-Дон ўрими мавсумининг гашти бўлакча. Чайқалиб турган буғдой бошоқларини кўрсам завқим ошаверади. Комбайнга ўтирсам, тушгим келмайди. Тинмай ўраверсам дейман. Далаларимиздаги ғалланинг ҳосили ҳар йили зўр бўлаяпти. Ҳали пайкалнинг ярмига етиб бормасимдан бункер донга тўлади. Бу йил 100 гектар ердаги ғаллани ўриб бердим. Эски комбайнда. Насиб қилса, ҳали кўп йил техникадан тушмайман. Ўзимга билдирилган юксак ишончни оқлайман, деб ваъда бераман.

* * *

Шунингдек, Миллий матбуот марказида ҳам жамиятимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни халққа тезкор ва холис етказишда фаоллик кўрсатган матбуотимизнинг бир гуруҳ фидойиларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

**Суҳбатни "Қишлоқ ҳаёти" мухбири Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди. Б.АКРАМОВ олган суратлар.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## НАВБАТДАГИ ТЕРАКТ

**_Москва марказида юз берган теракт оқибатида ҳалок бўлганлар сони олти кишига етди. Россия Давлат Думаси ёнида жойлашган "Националь" меҳмонхонаси олдида содир этилган портлаш мамлакатдаги демократия, бозор иқтисодиёти сиёсати ва тинчлигига қарши уюштирилган, дея таъкидлади мамлакат президенти Владимир Путин._**



Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг берган маълумотига кўра, портлашни Шимолий осетиялик икки камикадзе аёллар содир этган. Уларнинг жасади таниб бўлмас даражага келганлиги сабаб шахслари аниқланмаган. Камикадзеларнинг асосий мақсади Давлат Думасини портлатиш бўлган, лекин мосламалар "Националь" меҳмонхонаси қаршисида портлаб кетган. Дума ва меҳмонхона биноси деярли катта талафот кўрмаган. 14 киши турли даражада яраланган. Улардан иккитаси ҳозир касалхонада оғир аҳволда. Ўтган жума куни Ставрополь ўлкасида 40 кишининг умрига зомин бўлган терактни ҳам назарда тутганда ушбу хуруж охиргиси бўлмаслиги мумкин. Шу боис мамлакатда стратегик хавфсизликни таъминлашда зарур бўладиган чора-тадбирларни кучайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Президент Путин хунрезлик оқибатида вафот этганларнинг яқинларига ўз ҳамдардлигини билдирди.

## САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ҲУЖУМ

**_Сешанба куни кечаси Грозний шаҳрида сайлов комиссияси аъзоларига номаълум шахслар томонидан ҳужум уюштирилган, дея хабар беради Интерфакс ахборот агентлиги._**



Гудермеснинг ҳудудий сайлов комиссияси аъзолари кетаётган автомобилни ниқобли шахслар ўққа тутган, оқибатда бир ички ишлар ходими ҳалок бўлиб, уч нафар ҳарбий хизматчи оғир яраланган. Чеченистон ички ишлар вазирлигининг берган маълумотига кўра, сайлов комиссияси аъзолари марказий сайлов комиссиясига ҳужжатларни топшириб уйларига қайтишаётган бўлган. Ҳужумни амалга оширган шахслар эса номаълумлигича қолмоқда.

## "ТОЗАЛАШ" ДАВОМ ЭТАДИ

**_АҚШ Афғонистонда қуруқликда ҳаракат қилувчи икки минг афғон ва америкалик аскарлар иштирокида "тозалаш" операциясини бошлаб юборди._**

АҚШ мудофаа кучлари бошлиғининг сўзларига қараганда, ушбу операция Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмида олиб борилади. Чунки айни шу ҳудудларда "Толибон" ҳаракатининг жангарилари ҳамон яшириниб юришибди. Операциядан кўзланган мақсад афғон юртида чет эл ва маҳаллий тинчликпарвар кучлар, халқаро ташкилотлар аъзоларига уюштирилаётган ҳужумларга барҳам беришдир. "Толибон" ҳаракати раҳбарлари ва "Ал-қоида" террористик гуруҳи аъзоларини қидириб топиш ва уларни йўқ қилиш ишларини кейинчалик Афғонистоннинг Покистон билан чегарадош ҳудудларида ҳам давом эттириш кўзда тутилмоқда.

## ТИНЧЛИКПАРВАРЛАР ИРОҚДА

**_Япония ўзининг инсонпарварлик ёрдамини таъминловчи кучларини Ироққа юборишга қарор қилди._**



Олти юзга яқин япон ҳарбий хизматчилари Ироқнинг жанубига жойлаштириладиган бўлди. Улар ушбу ҳудудларда сув ва тиббий хизмат таъминотида ўз ёрдамларини амалга оширишади.

Япония аҳолисининг аксарият қисми бундай қарорга ўз қаршиликларини билдиришди. Чунки бундан бир қанча вақт илгари Япония элчихонаси хизматчиларига жангарилар томонидан ҳужум уюштирилиши оқибатида икки нафар элчихона вакиллари ҳалок бўлган эди.

Япония бош вазири Дзюнитиро Коидзуми телевидение орқали қилган чиқишида шундай деди: "Биз бугун Ироқда терроризмнинг кенг томир отиб кетишига бефарқ қарай олмаймиз. Бу масала биргина Ироқнинг эмас, балки бутун дунёнинг муаммосидир. Шу сабаб биз ўз кучларимизни қўлида қурол билан эмас, ёрдам билан жўнатмоқдамиз".

**Интернет хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ – МУҚАДДАС

**Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маҳсулотлар сифати назоратига талаб ва эътибор ортди. Эндиликда истеъмолчи манфаати устунлиги зарурий эҳтиёжга айланди. Шу боисдан ҳам "Ўзстандарт" агентлигининг жойлардаги Стандартлаштириш ва метрология бошқармалари ҳамда Республика синов ва сертификатлаштириш марказига қарашли синов ва сертификатлаштириш марказлари фаолияти замон талабларига мос равишда ташкил этилмоқда. Эндиликда истеъмолчи маҳсулотнинг сертификати бор ёки йўқлигини суриштириб, унинг сифатига ишонч ҳосил қилгачгина сотиб олишга киришади. Суҳбатдошларимиз Жиззах вилояти стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Нурулла Ўрозқулов ва Жиззах синов ва сертификатлаштириш маркази директори Рустам Маликовлар.**

**-Нурулла ака, суҳбатни сиз билан бошласак-да, бошқарманинг шу кунларда олиб бораётган иш фаолиятига тўхталиб ўтсангиз?**

-Стандартлаш ва метрология бошқармамиз мутахассисларининг диққат-эътибори ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатлилигини, яъни стандартлар асосида ишлаб чиқарилишини ва метрологик таъминотини, мувофиқлик сертификати билан сотилишини назорат қилишга қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли қарори эълон қилингандан сўнг мамлакатимизда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ташкил этилди. Ушбу қарордан сўнг иш фаолиятимиз бирмунча такомиллашди.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш", "Метрология", "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш", "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан доимий тарзда назорат ўрнатганмиз.

Бундан ташқари, "Ўзстандарт" агентлиги бош директори Раҳимберди Аҳмедович Бўриев кўмагида барча вилоятлардаги стандартлаш ва метрология бошқармаларига биноларни замон талаблари асосида қайта таъмирлаш учун йўналтирилаётган ресурслардан бизнинг бошқармамизга ҳам бинонинг ички-устки томонларини таъмирлаш, бино атрофларини ўраш каби қурилиш ишларига маблағ ажратилди. Шунинг ҳисобига бинонинг барча устки томонлари қайта таъмирланди, том қисми шифер билан ёпилди, атроф девор билан ўралди. Ҳозирги кунда бинонинг ички томонида қурилиш ишлари давом этмоқда. Бошқармамиз ходимлари томонидан йилнинг уч чораги давомида хўжалик субъектларида жами 75 та давлат назорати ўтказилган бўлиб, шундан 45 корхонада метрологик таъминот ҳолати, ўлчов воситаларининг ишлатилиши юзасидан, 9 та алкогол маҳсулотларининг сифати бўйича текшириш олиб борилди. Уларни таҳлил қиладиган бўлсак, шундан 9 та ҳолатда аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, кейин сотиш ҳақида фармойиш берилди, 6 та ҳолатда жами 15448,4 минг сўмлик сотилган маҳсулот қийматини 100 фоиз давлат бюджетига ўтказиш тўғрисида қарор чиқарилди. 54 шахсга "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексга кўра жами 302,0 минг сўм жарима солинди. 2 ҳолатда жаримани ундириш бўйича хўжалик судига мурожаат қилинди.

**-Кундалик ҳаётимизда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж катта. Улар сифатини назорат қилиш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?**

-Бу борада доимий назорат ўрнатганмиз. Шу йилнинг уч чораги мобайнида кундалик ишлатиладиган нон, ўсимлик ёғи, бундан ташқари алкоголли маҳсулотлар сифати жиддий назоратга олинди.

Жиззах шаҳридаги "Жибри" Ўзбекистон – Британия қўшма корхонаси, Дўстлик туманидаги "Эл-Эрк-Нур" ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотлари, нон ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари сифати мунтазам назорат қилиб борилмоқда.

Кейинги пайтда алкогол ичимликларнинг тури кўпайиб, уларнинг истеъмолчилар соғлигига зарар етказиш эҳтимоли юзага келди. Ғаллаорол туманидаги "А-О Гоол" корхонаси дўконида 16 турдаги алкогол маҳсулотлари назоратдан ўтказилганда, сифати талабга жавоб бермаслиги аниқланди, жами бўлиб 1,4 миллион сўмлик алкогол маҳсулотлари мувофиқлик сертификатисиз сотилганлиги учун корхона маъмуриятига 141700 сўмлик жарима солинди.

"Ҳавас" хусусий фирмасига қарашли дўконда 3 турдаги нон ва нон маҳсулотларини сифати бўйича давлат назорати ўтказилганда, сертификатсиз сотилган 1523,6 минг сўмлик нон ва нон маҳсулотлари қийматини давлат бюджетига ўтказиши тўғрисида қарор чиқарилди.

**-Шу ўринда маҳсулотларнинг сифат назоратига жамоатчилик эътиборини тортиш юзасидан ходимларингиз олиб бораётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтсангиз?**

-Вилоятимизда сертификатсиз маҳсулот сотилишининг олдини олиш юзасидан тарғибот ишларини кенг йўлга қўйганмиз. Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида харидор, истеъмолчи энг аввало, маҳсулотларнинг қанчалик сифатли, стандарт талабларига жавоб беришига эътибор қаратади. Табиийки, бизнинг ходимларимизнинг виждонан, синчковлик билан ишлашини талаб қилади. Вилоятимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлар билан кенг алоқа ўрнатганмиз. Сертификатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг олдини олиш учун солиқ бошқармаси, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти, рақобатни ривожлантириш ва монополиядан чиқариш ҳудудий вилоят бўлими ходимлари билан бу борада тарғибот ишларини олиб бораяпмиз. Ишларимизнинг самараси натижасида кейинги пайтда мувофиқлик сертификатини олиш, маҳсулот

**НАЗОРАТ**

сифатини аниқлаб бериш юзасидан кўплаб буюртмалар тушмоқда.

Кўриниб турибдики, келгусида ишларни янада такомиллаштириш ҳаёт талабига айланмоқда.

**- Рустам ака, суҳбатимизни давом эттирсангиз. Синов ва сертификатлаштириш марказида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

-Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябдаги 342-сонли қарори чиққандан кейин марказимиз жамоаси зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди. Вилоятимизда ҳозир 6 та аккредитланган синов лабораториялари мавжуд бўлиб, биз билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Марказимиз қошидаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини синаш лабораторияси "Ўзстандарт" агентлиги томонидан 3 йил муддатга қайта аккредитациядан ўтказилди. Ҳозирги кунда "Ўзстандарт" агентлиги, Республика синов ва сертификатлаштириш маркази раҳбарияти томонидан марказлар ишини ривожлантириш учун синов лабораторияларини замон талаблари даражасида жиҳозлаш, таъмирлашга катта эътибор берилмоқда. Синов лабораториямизни қайта таъмирлаш, жиҳозлаш ишларини бошлаб юборганмиз. Марказда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида бошқарма билан биргаликда "Ариза, хат ва намуналарни қабул қилиш бюроси" ташкил қилинди.

Марказимиз озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини синаш лабораторияси томонидан 2003 йилнинг уч чораги мобайнида 1100 та синов ўтказилган бўлиб, шундан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар томонидан текшириш учун олиб келинган маҳсулотлардан 42 ҳолатда қарийб 45 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз деб топилди.

Марказимиздаги меъёрий ҳужжатлар фонди сони 1617 тадан 2020 тагача кўпайди. 8 та корхона стандарти рўйхатдан ўтказилди. Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 42 та корхона синов лабораторияси қайта шаҳодатланди.

Мувофиқлик сертификати олиш учун жисмоний ва ҳуқуқий шахслар томонидан 322 та ариза ва хатлар тушиб, 607 дона мувофиқлик сертификати берилди. 28 та ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотлари 1 йил муддатга сертификатлаштирилди.

Бошқарма ва марказимиз иш фаолиятини мунтазам ёритиб бориш учун матбуот ва телевидение билан мунтазам алоқа ўрнатганмиз. Ходимлар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Моддий манфаатдорликни ошириш мақсадида ҳар бир ходим ўртача маоши 27300 сўмдан 86100 сўмгача оширилди. Тизимимизда рўй бераётган янгиликлар билан ходимлар мунтазам таништириб борилмоқда.

Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида марказимиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Вилоятимизда жами 138522 та ўлчов воситаси мавжуд бўлиб, шундан 1989 донаси вилоятимиздан ташқарида қиёсловдан ўтказилар эди. Марказимизга янги турдаги ўлчаш воситаси лаборатория элакларини қиёсловдан ўтказиш учун замонавий УМЦ-100 универсал микроскоп олинди ва бу билан 145 дона лаборатория элаклари кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари бозорларда мувофиқлик сертификатисиз, сифатсиз маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш мақсадида ходимларимиз томонидан рейдлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**-Келгусидаги режаларингиз тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

-2003 йил охиригача марказимизда иономер ва PH метрларни қиёсловдан ўтказишни амалга оширишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида марказимизда парфюмерия, пойафзал, трикотаж маҳсулотларини синаш ва радиология лабораторияларини очиш режалаштирилмоқда.

**-Нурулла ака, Сиз суҳбатимизга якун ясасангиз.**

-Асосий эътиборимиз кундалик ҳаётимизда маҳсулот сифатига ҳар бир фуқароларнинг бефарқ бўлмаслигига эришишга қаратилган. Ана шундагина истеъмолчи манфаати назоратдан четда бўлмайди. Вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни халқаро стандартлар талабига жавоб беришига, улар рақобатбардош бўлишига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Маҳсулотлар сифати масаласида истеъмолчи талаби устивор бўлиб, стандарт талаби эса барчага баробардир.

**Суҳбатдош: Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**Д А В Р**

## ХЎЖАКЕНТДА ОҚСОҚОЛ САЙЛАНДИ

**_Республикамиздаги ўн мингга яқин маҳаллаларда муқобиллик асосида ишчи гуруҳларининг тавсияларига мувофиқ 3-5, баъзан 6-8 номзод кўрсатилиб, уларнинг билими, тажрибаси ва бошқа фазилатлари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилаётган сайловлар фуқоролик жамияти сари дадил одим ташлаётганлигини тасдиқламоқда._**

Яқинда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Хўжакент қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбирда саккиз йилдан бери эл-юрт хизматида бўлган оқсоқол Элаш Ашуровнинг ибратли ишлари қатнашчилар томонидан юқори баҳоланди. Туман ҳокимлиги номидан Элаш оқсоқолга кўп йиллик самарали меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирилиб, бошдан-оёқ сарпо тақдим этилди.

Олий маълумотли, тажрибали Тўлавой Раҳмонов кўпчилик овози билан Хўжакент қишлоғи фуқаролар йиғини оқсоқоли этиб сайланди.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ**

# ДОНИМИЗ БОР! НОНИМИЗ ҲАМ! УРУҒ-ЧИ?

**_Президентимиз орзу қилган ва халқимиз кутган мақсадга эришдик: мамлакатимизда ғалла мустақиллиги қўлга киритилди. 2003 йили 1 миллион 386 минг гектар майдонда бошоқли экинлар парвариш қилиниб, 5 миллион 100 минг тонна дон етиштирилди. Бу билан биз ўз эҳтиёжимизни қондирибгина қолмай, ҳатто хорижга дон ёҳуд ун маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳиятини ҳам қўлга киритдик._**

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги ҳолатни юртимизнинг катта-кичиги яхши билади. Ўша вақтда донимиз етарли эмас эди. Буғдойи бор давлатларнинг эса ўзларини бозорга солишлари ғаллачилик борасида ўз йўлимизни ишлаб чиқишимизни тақозо қиларди. Бу йўлни Юртбошимиз ташаббуси ва қатъий қўллаб-қувватлаши билан ўзлаштирдик. Тарих шоҳид: қисқа муддатда ўз халқини ички имконияти ҳисобига дон билан таъминлашга эришган давлатлар жуда озчиликни ташкил этади. Қолаверса, бу вазифа қисқа муддатда уддаланди.

Ғаллачиликдаги тарихий ғалабада андижонлик деҳқонларнинг қўшган ҳиссалари залворли эканлиги барчага бешта бармоқдек аён. Ғалла мустақиллиги сари ҳаракат бошланган кезларда Президентимиз андижонлик деҳқонлар билан бир неча бор мулоқотлар ўтказиб, уруғчилик соҳасидаги изланишларга муносиб баҳо бергандилар. Вилоятнинг тупроқ-иқлим шароити бошоқли экинлардан мўл дон етиштиришга мослигини ҳисобга олиб ҳукуматимиз томонидан Андижонда суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. 1997 йилнинг август ойида фаолиятини бошлаган мазкур илмий даргоҳ ўтган вақт ичида хорижлик ҳамкасблари билан ғалла селекцияси, уруғчилиги ва агротехникасига оид илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Андижонликларнинг Краснодар ўлкаси селекционерлари билан илмий ҳамкорликда иш бошлаганларига ҳам ўн йил бўлиб қолди. Бу йиллар давомида бошоқли экинларнинг жуда кўплаб навлари олиб келиниб, маҳаллий шароитдаги парвариши ташкил этилди ва агротехникаси ишлаб чиқилди. Бу навларнинг аксарияти мамлакатимиз деҳқонларига маъқул келганлиги ҳам бор гап. Ишнинг бошида юқори ҳосилдорлик хусусида гап борганида мийиғида кулганларнинг ўзлари энди бу борада андижонликлар билан рақобат қилаётганлари ҳам бугун ҳеч кимга сир эмас.

Жорий йил ғалла мавсумининг охирги кунларида республикамизнинг бир қатор ҳудудларида дончилик истиқболига бағишланган илмий-амалий йиғилишлар бўлиб ўтди. Ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги меҳнат ифтихор билан тилга олинди. Шу билан бирга эндиги вазифа эса дон сифатини ошириш муҳимлигига алоҳида урғу берилди. Бу масала тўғридан-тўғри селекция ишларига бориб тақалади. Андижондаги институтда Краснодар селекциясига мансуб 38 хил буғдой навлари синовда. Маҳаллий селекционерлар ҳам қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. "Чиллаки" ва "Андижон-2" навлари районлаштирилиб, мамлакатимизнинг аксарият ҳудудларида деҳқонлар эътиборига тушди. Яна бир қатор навлар давлат синовидан ўтмоқда.

Масаланинг иккинчи томони ҳам йўқ эмас. Краснодар селекциясига мансуб бўлган ва у ердан олинаётган уруғликларни маҳаллий шароитда кўпайтириш чоғида етиштирилаётган доннинг технологик сифатларида фарқланиш юзага келаяпти. Айтайлик, "Крошка" навли буғдой Краснодарда бошқа сифат кўрсаткичига эга. Худди шу нав дони эса бизда ўзгача. Агротехник тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, тупроқ унумдорлигида паст-баландлик мавжуд. Масалан, Кубандаги тупроқда гумус миқдори 8 фоиз, бизда эса бу кўрсаткич 0,08 фоиз атрофида. Кубан далаларидаги бошоқли экинлар суғорилмайди. Негаки, ёғин-сочиннинг ўзи кифоя. Бизнинг минтақада эса деҳқончилик сунъий суғориш билан тирик. Бундай тафовут яна анчагина.

**Т А Ҳ Л И Л**

Кўриниб турибдики, ҳали селекционерларимиз ва агротехникларимиз жуда кўп меҳнат қилишлари лозим. Ғалла етиштириш жараёнида доннинг сифат кўрсаткичларини яхши томонга ўзгартириш имкониятлари бор.

Ҳосилдорлик, доннинг шаффофлиги, клейковинаси каби параметрлар борки, уларнинг барчаси селекцион ишлар билан чамбарчас боғлиқ. Андижонга Краснодардан ва бошқа хорижий илмий-тадқиқот марказларидан келган олимлар, селекционерлар олиб борилаётган илмий изланишларга муносиб баҳо беришади. Шу билан биргаликда илмий ишлар кўламини янада кенгайтириш юзасидан таклифлар беришади.

Бу таклифлар нималардан иборат? Селекция билан шуғулланиш шу қадар оғир илмий изланишки, камдан-кам олимга бекиёс натижага эришиш насиб этади. Буни "Чиллаки" нави исботлаб турибди. Эртапишар мазкур нав қисқа вақт ичида республикамиз миқёсида оммалашиб кетди.

Институтнинг етакчи тажриба хўжалигида 300 гектар ер бор. Шундан 270 гектарида пахта ва ғалла етиштириш бўйича давлат буюртмаси мавжуд. Вилоятлардаги филиалларда ҳам аҳвол худди шундай. Бир ярим миллион гектар ғаллазор учун юқори сифатга эга бўлган буғдой навлари яратиб беришга масъул бўлган институт ихтиёрида 30 гектар тажриба майдони бор. Ҳозир Краснодар селекциясига мансуб ғалла навларига эҳтиёжмандмиз. Шундан келиб чиқиб ўша 30 гектар ернинг тенг ярмида Кубандан олиб келинаётган буғдой навлари синови олиб борилади. Ҳар бир линия ёки истиқболдаги ғалла навлари тажрибаси учун биргина экиш муддати тўрт босқичда амалга оширилиши ҳисобга олинса, 30 гектар майдон елкасидаги юк нақадар оғир эканлиги аён бўляпти.

Краснодарда дунёга машҳур П.П.Лукьяненко номли қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти бор. Ташкил этилганлигига 90 йил бўлган мазкур селекция марказида ўтган вақт мобайнида биргина буғдойнинг 220 хил нави яратилган. Ана шу навлардан фақат "Безостая-1"гина Россия ташқарисида ҳам машҳур бўлиб, бир қатор мамлакатларда ҳамон экилмоқда. Ўтган йилнинг ёзида мазкур институт директори, академик Петр Николаевич Рибалкин Андижонга ташриф буюрди. У вилоятнинг бир қатор хўжаликларида бўлиб, Краснодар селекциясига мансуб буғдой навларини етиштириш технологияси билан танишиб чиқди. Меҳмон ўзбек деҳқонига тан берди. Андижонлик ҳамкасблари иши билан танишиб, ўзининг бир қатор маслаҳатларини берар экан, селекция ишлари катта изланиш эканлигини таъкидлади.

Шу ўринда Краснодардаги институт ҳақида қисқа маълумот бериб ўтсак. Унинг қошида "Кубаньзерно" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мавжуд. Бирлашма ихтиёрида тўртта тажриба ишлаб чиқариш хўжалиги мавжуд бўлиб, ер майдони 34 минг гектарга тўғри келади. Институтнинг бош тажриба базаси ихтиёрида эса 700 гектар ер мавжуд. Ана шу 700 гектар ерда фақат янги ғалла навлари парвариш қилинади. Жўнроқ қилиб айтсак, янги нав яратишга доир бирламчи материалдан тортиб то суперэлита уруғи яратилиши ва уларни кўпайтиришга қадар бўлган барча жараёнлар шу ерда кечади. Сўнгра янги навлар юқорида таъкидлаб ўтилган тўртта тажриба хўжаликлари далаларида ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Биз ғалла уруғига бўлган эҳтиёжимизнинг маълум қисмини ҳозирча импорт ҳисобидан қондиряпмиз. Бунинг учун ҳар йили Краснодардан минг тонна атрофида суперэлита уруғлик оламиз. У Андижон вилояти хўжаликларининг алоҳида далаларида парвариш қилиниб, уруғи кўпайтирилади. Сўнгра иккинчи йил барча хўжаликларда экилади, учинчи йил эса республикамиз ҳудудларига биринчи репродукция тарзида тарқатилади. Ғалла уруғчилиги Андижон вилояти хўжаликларига салмоқли даромад келтираётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Республикада шаклантирилган ғалла уруғчилиги тизимига мувофиқ суперэлита ва элита уруғлари фақатгина илмий-тадқиқот институтлари ва тажриба станцияларида етиштирилиб, элита уруғчилик хўжаликларига, улар эса элита ва 1-репродукция уруғларини ихтисослашган хўжаликларга, улар эса биринчи ва иккинчи репродукция уруғлар билан ғаллакор хўжаликларни таъминлашлари керак.

Шунга қарамасдан суперэлита ва элита уруғларини етиштириш тўла талаб даражасида эмас. Бу ғалла уруғчилиги устидан изчил назорат ўрнатишни, ишни илмий асосда ташкил этишни тақозо этмоқда. Ана шундагина юқори навдор уруғлик экилиб, етиштирилган доннинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш йўлида дадил қадам ташланган бўлур эди. Институт қошида суперэлита ва элита уруғларини етиштиришга ихтисослашган илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилса, хўжаликларни кафолатланган уруғлик билан таъминлаш имконияти яратилади.

Андижондаги илмий-тадқиқот институтида буғдойнинг 8 мингга яқин нав ва намуналаридан иборат коллекция мавжуд. Краснодардан келтирилган 650 та линиядан 50 таси, институтнинг ўзида яратилган 200 яқин линиялар тайёр нав ҳолатига келиб қолган. Бундан кўриниб турибдики, республикамизда ғалла уруғчилиги тизими мададга, алоҳида эътиборга муҳтож.

Анча йиллардан буён Краснодардан суперэлита ғалла уруғи олиняпти. Масалан, жорий йилда 900 тонна уруғлик олинди. Ҳисоб-китоблар таҳлил қилинганда шу нарса аёнки, уруғчилик тизими мамлакатимизда илм-фан андозалари даражасида ташкил этилса, сарфланаётган харажат уч-тўрт ҳиссага камаяди. Манфаатдор идоралар масалага шу нуқтаи назаридан ёндашишлари талаб этилади. Ана шунда ўз донимиз, нонимиз каби уруғчиликка ҳам эга бўламиз.

**Қобилжон АСҚАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

